БУХГАЛТЕРИЯ ШАБЛОНЛАРИ БЎЙИЧА ҚЎЛЛАНМА

Ҳар бир шаблон қачон ишлатилади, қандай тартибда тўлдирилади, солиқ ва бухгалтерия оқибати, кўп учрайдиган хатолар

Диққат: қўлланма амалий ёрдам учун ёзилган. Солиқ кодекси моддалари кодекснинг амалдаги матни бўйича кўрсатилган; ставка ва муддатларни ҳар йили lex.uz да текширинг. Проводкалар 21-сон БҲМС (ҳисобварақлар режаси) бўйича.

0. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

- Авто-тўлдириладиган файллар (Устав, қарорлар, буйруқлар, ташқи савдо): биринчи "Малумот" варағидаги сариқ катакларни тўлдиринг — матнларга ўзи тушади. Ҳужжатни очиб, Файл → Чоп этиш ёки ПДФ қилиб сақланг.
- Word шаблонлар: "____" жойларни тўлдиринг, кераксиз вариантни ўчиринг ("кераклисини қолдиринг" дейилган жойлар).
- Ҳар бир чиқувчи ҳужжатга рақам ва сана қўйинг, чиқувчи ҳужжатлар журналида рўйхатга олинг.
- Контрагент билан ҳужжатлар Дидох орқали ЭРИ билан имзоланса — қоғоз нусха шарт эмас, лекин электрон архивни сақланг.
- Ҳужжатни имзолаш ҳуқуқи: директор (ишончномасиз), бошқалар — ишончнома ёки буйруқ асосида.
- Сақлаш: солиқ ҳисоботлари ва уларга илова ҳужжатлар — тақдим этилган йилдан кейин камида 3 йил (СК 84-модда); бирламчи бухгалтерия ҳужжатлари — архив қонунчилиги бўйича (одатда 5 йил); устав, қарорлар, баённомалар — доимий.

1. КОРПОРАТИВ ҲУЖЖАТЛАР (Устав, қарорлар)

Устав

Қачон: МЧЖ ташкил этишда ёки уставни янги таҳрирда қабул қилишда.

Тартиб: 1) Малумот варағини тўлдиринг (номи, манзил, устав фонди, таъсисчилар, улушлар, директор); 2) таъсисчилар сони 2 тадан кўп бўлса 1.2 ва 4.2-бандларга қўшинг; 3) захира фонди фоизини ёзинг ёки 7.3-бандни олиб ташланг; 4) таъсисчилар имзолайди; 5) my.gov.uz (Давлат хизматлари маркази) орқали рўйхатдан ўтказилади.

Оқибат: рўйхатдан ўтгач — устав фонди 1 йил ичида тўлиқ киритилиши шарт (устав 4.4-банд). Пул киритилганда: Дт 5110 — Кт 4610 (таъсисчилар қарзи), олдин Дт 4610 — Кт 8330 (устав капитали).

Хатолар: улушлар йиғиндиси 100% эмас; суммалар улушларга мос эмас; манзил ер эгасининг кафолат хатисиз ёзилган.

Таъсисчилар қарори / баённома (ташкил этиш)

Қачон: бир нечта таъсисчи бўлса — умумий йиғилиш баённомаси; битта бўлса — ягона таъсисчи қарори.

Тартиб: кворум ва овозлар кўрсатилади; ҳар бир таъсисчи имзолайди. Давлат рўйхатидан ўтказишга устав билан бирга топширилади.

Директорни алмаштириш қарори

Тартиб: 1) қарор; 2) эски директор буйруқ билан бўшатилади, янгиси "лавозимга киришиш" буйруғини чиқаради; 3) қабул-топшириш далолатномаси (ҳужжатлар, муҳр, ЭРИ, кассадаги пул); 4) my.gov.uz да раҳбар маълумоти янгиланади; 5) банкда имзо намуналари карточкаси, солиқ кабинетида ва Дидох да ЭРИ янгиланади.

Хато: банкни ўз вақтида хабардор қилмаслик — тўловлар тўхтаб қолади.

Устав фондини ошириш

Оқибат: қўшимча ҳисса келганда Дт 5110 — Кт 4610; рўйхатдан ўтгач Дт 4610 — Кт 8330. Уставнинг 4.1–4.2 бандлари ўзгаради ва рўйхатдан ўтказилади.

Манзил / фаолият тури ўзгариши

Тартиб: қарор → уставга ўзгартириш → давлат рўйхатидан ўтказиш → солиқ органи, банк, контрагентларга хабар. Лицензияли фаолият қўшилса — аввал лицензия.

Улушни сотиш

Тартиб: сотувчи иштирокчи бошқа иштирокчилар ва жамиятга нархни ёзма билдиради → 1 ой имтиёзли ҳуқуқ → олди-сотди шартномаси → қарор → рўйхатдан ўтказиш.

Солиқ: улушни сотган жисмоний шахсда мулкий даромад (ЖШДС) юзага келиши мумкин — сотиш нархи минус олиш қиймати; норезидент соца — СК 356-модда бўйича солиқ агенти масаласини текширинг.

Йиллик ҳисобот ва дивиденд

Тартиб: навбатдаги йиғилиш → ҳисоботни тасдиқлаш → дивиденд суммаси → тўлаш.

Солиқ: дивиденд тўловчи — солиқ агенти: резидент жисмоний ва юридик шахсга 5%, норезидентга 10% (ёки халқаро шартнома бўйича) тўлов манбаида ушланади. Проводка: Дт 8710 — Кт 6610 (ҳисоблаш), Дт 6610 — Кт 6410 (солиқ ушлаш), Дт 6610 — Кт 5110 (тўлаш).

Хато: устав фонди тўлиқ тўланмаган ёки соф активлар устав фондидан кам бўлса — фойда тақсимланмайди (устав 7.5).

Йирик битим, кредит ва гаровга розилик

Қачон: битим қиймати активлар баланс қийматининг 25% дан ошса, ёки директор/иштирокчи манфаатдор бўлса. Банк кредит беришда бу қарорни талаб қилади.

Тугатиш

Тартиб: қарор → тугатиш комиссияси → эълон (кредиторлар талаби учун камида 2 ой) → дебитор/кредитор қарзлар билан ҳисоб-китоб → оралиқ баланс → солиқ органига хабар (солиқ аудити ўтказилиши мумкин — СК 140-модда) → якуний баланс → реестрдан чиқариш.

2. БУЙРУҚЛАР

Умумий тартиб: буйруқ рақамланади (асосий фаолият бўйича ва кадрлар бўйича алоҳида журнал), директор имзолайди, ходим "танишдим" деб имзо қўяди.

Лавозимга киришиш, бош бухгалтерни тайинлаш, имзо ҳуқуқи — банк ҳисоб очишда ва ЭРИ олишда талаб қилинади.

Ҳисоб сиёсати: ҳар йил бошида тасдиқланади; ўзгартириш — янги йилдан (қонунчилик ўзгариши бундан мустасно). Унда: ТМЗ баҳолаш усули, амортизация усули, ҚҚСни алоҳида ҳисобга олиш тартиби, инвентаризация муддатлари.

Ишга қабул / бўшатиш / таътил / хизмат сафари / мукофот / маош ўзгариши:

Ишга қабул — меҳнат шартномаси my.mehnat.uz (ягона миллий меҳнат тизими) да рўйхатдан ўтказилади. Бўшатишда охирги иш куни тўлиқ ҳисоб-китоб (фойдаланилмаган таътил компенсацияси билан).

Таътил пули — таътилдан камида 3 кун олдин. Хизмат сафари — аванс берилади, қайтгач 3 иш кунида аванс ҳисоботи.

Проводкалар: иш ҳақи Дт 2010/2510/9420 — Кт 6710; ЖШДС Дт 6710 — Кт 6410; ижтимоий солиқ Дт 2010/9420 — Кт 6520; тўлаш Дт 6710 — Кт 5110.

Инвентаризация буйруғи — комиссия таркиби, сана, муддат. Моддий жавобгар шахс олдиндан тилхат беради.

Кассир ва касса лимити — лимитдан ортиқ нақд пул банкка топширилади; ҳисобдор шахслар рўйхати.

3. КАДРЛАР ҲУЖЖАТЛАРИ

Меҳнат шартномаси — 2 нусха, my.mehnat.uz да рўйхат. Синов муддати 3 ойдан ошмайди.

Моддий жавобгарлик шартномаси — кассир, омборчи, экспедитор билан; усиз камомадни ундириш қийин.

Штат жадвали, таътиллар жадвали — йил бошида тасдиқланади.

Табел (Эхсел) — ҳар куни белгиланади, ой охирида иш ҳақи ҳисобига асос. Белгилар варақ пастида.

Иш ҳақи қайдномаси (Эхсел) — ЖШДС 12%; ИНПС 0,1% ЖШДС ичидан ўтказилади (алоҳида ушланмайди); ижтимоий солиқ — иш берувчи ҳисобидан (ставкани жорий йил учун текширинг).

4. ШАРТНОМАЛАР (ички)

Олди-сотди, хизмат, ижара, қарз, пудрат, комиссия — "Хўжалик юритувчи субектлар фаолиятининг шартнома-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонун талаблари: предмет, нарх, муддат, жавобгарлик, реквизитлар. Дидох орқали имзолаш тавсия этилади.

Ижара — жисмоний шахсдан ижара олинганда ижарачи солиқ агенти сифатида ЖШДС ушлайди; нотурар жой ижараси солиқ органида ҳисобга қўйилиши керак.

Фоизсиз қарз — ўзаро алоқадор резидентлар ўртасида, мажбурият Ўзбекистонда бажарилса, назорат қилинадиган битим ҳисобланмайди (СК 180-модда).

Ўзаро ҳисоб (взаимозачёт) келишуви — икки томонда қарз бўлса; Дт 6010 — Кт 4010.

5. ТАШҚИ САВДО (импорт, экспорт, транспорт хизмати)

Импорт контракти + спецификация

Тартиб: 1) контракт ва спецификация имзоланади; 2) банкда контракт ҳисобга қўйилади (банкка хат шаблони); 3) олдиндан тўлов — Дт 4310 — Кт 5210; 4) товар келганда божхона декларацияси (БЮД) расмийлаштирилади, божхона тўловлари, импорт ҚҚС божхонада тўланади; 5) кирим: Дт 2910 — Кт 6010 (божхона декларацияси санасидаги курс), божхона божи ва йиғимлари товар таннархига; импорт ҚҚС Дт 4410 (ҳисобга олинадиган ҚҚС) — Кт 6410/5110.

Муҳим: олдиндан тўланган товар валюта қонунчилигида белгиланган муддатда келиши керак (контрактда 180 кун деб ёзилган — банкингиз талабларини текширинг), акс ҳолда муддати ўтган дебитор қарз.

Инвойс, қадоқлаш варақаси — товар билан бирга келади, божхонага топширилади. Маълумотлар контракт/спецификация билан бир хил бўлиши шарт (номи, ТИФ ТН коди, миқдор, нарх).

Экспорт контракти

Солиқ: экспорт ҚҚС ставкаси 0% (божхона тасдиқлаган экспорт). Экспорт тушуми валюта қонунчилигида белгиланган муддатда келиши керак. Проводка: Дт 4010 — Кт 9010; тушум Дт 5210 — Кт 4010.

Транспорт-экспедиторлик шартномаси ва АКТ (норезидент ташувчи/экспедитор)

ҚҚС: хизмат кўрсатилган жой СК 241-моддага кўра аниқланади. Чет эллик шахс халқаро ташиш хизмати кўрсаца ва жўнатиш пункти ҳамда белгиланган пункт иккаласи Ўзбекистонда бўлмаса — хизмат кўрсатилган жой Ўзбекистон эмас, ҚҚС ёъқ (масалан Хитой → Тошкент). Иккала пункт Ўзбекистонда бўлса — Ўзбекистон, харидор солиқ агенти сифатида ҚҚС тўлайди.

Фойда солиғи (норезидент даромади Ўзбекистондаги манбадан, СК 351-модда): халқаро ташиш (фрахт) — 6%; транспорт-экспедиторлик хизмати ("бошқа даромадлар") — 20% (СК 353-модда). Солиқни Ўзбек фирмаси солиқ агенти сифатида тўлов манбаида ушлайди.

Халқаро шартнома: контрагент ўз давлатининг солиқ резидентлиги сертификатини берса, икки томонлама солиқ шартномаси бўйича солиқ камайтирилиши ёки ушланмаслиги мумкин (СК 355–357-моддалар тартибида). Шунинг учун шартномага сертификат бериш мажбурияти қўйилган (5-банд).

Ҳисоб: хизмат юк ташиш билан боғлиқ бўлса — товар таннархига (Дт 2910 — Кт 6010), бошқа ҳолда давр харажати (Дт 9410 — Кт 6010). Курс — акт (хизмат кўрсатилган) санасидаги Марказий банк курси.

Хатолар: актда сумма, валюта, маршрут контракт/инвойс билан мос эмас; актда "фреигҳт форwардинг" ёзилиб, солиқ "фрахт" ставкаси (6%) билан ушланади; сертификациз шартнома имтиёзи қўлланади.

Норезидентдан хизмат (консалтинг, ИТ, реклама)

ҚҚС: хизмат кўрсатилган жой харидор фаолият жойи бўйича аниқланадиган хизматлар учун (СК 241-модда) — Ўзбекистон бўлса, харидор солиқ агенти сифатида ҚҚСни ҳисоблаб тўлайди ва кейин ҳисобга олади. Фойда солиғи — 20% (шартнома имтиёзи бўлмаса).

Акт сверка (ташқи контрагент билан) — йилига камида бир марта ва йиллик ҳисобот олдидан; банк валюта назорати ҳам сўрайди.

Претензия — олдиндан тўлов қайтмаса ёки товар сифациз бўлса; арбитраждан олдин мажбурий босқич сифатида юборилади.

Ишончнома — божхонада, темир ёъл стансиясида, экспедитордан юк олиш учун.

6. ДАЛОЛАТНОМАЛАР (АКТЛАР)

Қабул-топшириш далолатномаси — товар, мулк, ҳужжат, иш жойини топширишда; директор алмашганда мажбурий.

Бажарилган ишлар (хизматлар) далолатномаси — ички хизматларда ЭСФ билан бирга; ЭСФ Дидох да расмийлаштирилади, акт — ЭСФга илова ёки ЭСФнинг ўзи етарли (шартномага қараб).

Акт сверка — чоракда/йилда бир марта; фарқ чиқса — ҳужжат бўйича изланади (ЭСФ, тўлов). Солиқ органи ҳам контрагент тафовутларини сўрайди.

Камомад / ортиқча далолатномаси — инвентаризация натижаси. Камомад айбдордан ундирилса: Дт 4730 — Кт 2910/1010; камомад бўйича илгари ҳисобга олинган кирувчи ҚҚС тақдирини ҚҚС боби (СК 266–267-моддалар) бўйича текширинг; ортиқча: Дт 2910 — Кт 9390.

ТМЗни ҳисобдан чиқариш — табиий камайиш меъёрлари доирасида ва ҳужжат билан тасдиқланган ёъқотиш фойда солиғида чегирилади; меъёрдан ортиғи чегирилмайди.

Қайтариш далолатномаси — товар қайтганда; ҚҚС тузатувчи (қайтариш) ЭСФ билан.

7. ОМБОР ВА ИНВЕНТАРИЗАЦИЯ (19-сон БҲМС)

Тартиб: буйруқ → моддий жавобгар тилхати → санаш (инвентаризация қайдномаси, Эхсел — фарқни ўзи ҳисоблайди) → солиштириш қайдномаси → моддий жавобгар тушунтириши → комиссия хулосаси → директор қарори → бухгалтерияда акс эттириш (камомад/ортиқча).

Мажбурий ҳоллар: йиллик ҳисобот олдидан, моддий жавобгар алмашганда, ўғирлик/ёнғинда, тугатишда.

Кирим ордери, талабнома, лимит картаси, ички кўчириш юк хати, омбор карточкаси — омбор ҳаракатини ҳужжатлаштиради; оборотка (Эхсел) — ойлик қолдиқ назорати.

8. АСОСИЙ ВОСИТАЛАР (5-сон БҲМС)

Фойдаланишга киритиш акти — инвентар рақами, хизмат муддати, амортизация усули. Дт 0100 — Кт 0800.

Амортизация — ҳар ой: Дт 2010/2510/9420 — Кт 0200. Солиқ ҳисобида СК 306-модда (амортизация харажатлари) меъёрлари доирасида; таъмир харажатлари — СК 309-модда.

Ҳисобдан чиқариш акти — сотиш/тугатиш; қолдиқ қиймат Дт 9430 — Кт 0100 (амортизация Дт 0200 — Кт 0100), металлолом кирим қилинади.

Таъмир акти — капитал таъмир/реконструксия обект қийматини оширади, жорий таъмир — давр харажати.

9. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

Калкуляция картаси (рецептура) — ҳар маҳсулотга хомашё меъёри; таннархни режалаш ва меъёрдан ортиқ сарфни назорат қилиш учун. Эхсел варианти таннарх ва сотиш нархини ҳисоблайди.

Хомашё бериш: Дт 2010 — Кт 1010. Тайёр маҳсулот кирими: Дт 2810 — Кт 2010. Сотиш: Дт 9110 — Кт 2810, Дт 4010 — Кт 9010, ҚҚС Дт 9010 — Кт 6410.

Брак акти — тузатиб бўлмайдиган брак айбдордан ундирилади ёки харажатга олинади.

Давалчи хомашё — буюртмачи хомашёси балансдан ташқари (003), ижрочининг даромади фақат қайта ишлаш ҳақи.

10. КАССА

Кирим/чиқим касса ордери, касса китоби — ҳар бир нақд пул ҳаракати. Кун охирида қолдиқ лимитдан ошмасин.

Аванс ҳисоботи — ҳисобдор шахс харажатни тасдиқловчи ҳужжатлар билан (чек, ЭСФ, чипта) 3 иш куни ичида топширади. Чек билан харид (корпоратив карта) — ЭСФ бўлмаса кирим ҚҚС ҳисобга олинмайди.

11. БАНК ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР

Тўлов мақсадини ўзгартириш хати — банкка ва контрагентга; ЭСФ/шартнома рақами нотўғри ёзилган тўловлар учун.

Претензия / жавоб — қарзни ундиришдан олдин; 15 кун жавоб муддати.

Қарзни кечириш — қарздорда даромад пайдо бўлади; кредиторда харажат чегирилмаслиги мумкин.

Сессия ва қарзни ўтказиш — учинчи шахс иштирокида; қарздор/кредитор розилиги.

12. СОЛИҚ ОРГАНИГА ХАТЛАР

Камерал текширув хабарномасига тушунтириш — хабарнома олингандан 5 кун ичида аниқлаштирилган ҳисобот ёки асоснома (СК 138-модда); жавоб бермаслик ҳисобварақ операцияларини тўхтатишга асос бўлиши мумкин (СК 111-модда).

Ортиқча тўловни қайтариш аризаси — тўланган кундан 3 йил ичида; қайтариш 15 кун ичида (СК 104-модда).

Аудит далолатномасига эътироз — 10 кун ичида (СК 156-модда).

Юқори органга шикоят — билган кундан 1 ой ичида (СК 232-модда).

Бўлиб-бўлиб тўлаш хабарномаси — ўтган йил даромади 10 млрд гача, қарз юзага келгандан 1 ой ичида (СК 100-модда).

Контрагентни тасдиқлаш хати — "узилиш" (сохта контрагент) шубҳаси бўлганда: шартнома, ЭСФ, ЭТТН, тўлов, кирим ҳужжатлари илова қилинади.

13. МАЪЛУМОТНОМАЛАР ВА РЕЕСТРЛАР

ҚҚС ЭСФ реестри (Эхсел) — ҚҚС ҳисоботидан олдин сотув ва харид ЭСФларини my.soliq.uz/Дидох билан солиштириш.

Солиқ календари (Эхсел) — муддатлар кодекс бўйича; дам олиш кунига тушса кейинги иш куни (СК 86-модда).

Бухгалтерия маълумотномаси — хатони тузатиш ёзуви учун асос ҳужжат.